

"ХОЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ"

Ким билсин, агар даъвогар судья М. Каримовга дуч келмаганда, ҳали-ҳануз суд идораларига чопиб юрган бўлармиди?! Судьямиз эса даъвогарни кўп... чоптирмади! Анчадан буйн ўйлаб, миясида пишириб юрган янгиликни тажриба тарихида айтиш шу нигоза туғлаб ёпиштирдик, бахтта қарши бундан ҳозирча фақат ва фақат даъвогарлар хурсанд.

2 -бет

МУРИД ОВИ

Ёпирай! Ўнгимми ё тушимми? Эшонбува ҳазиллашяптилар чоғи, йўқ, гап оҳангларидан ҳазилга ўхшаймайди. Бояги шишалар хонтахта остидан бекорга думалаб ётмаган экан-да... Мен то фикримни жамлаганимча, Илҳом жияним кўрпача тагидан бир шиша ароқ чиқарди, очиб, иккита гардишли пиёлага тўлдириб қуйди...

3 -бет

ЭВРИЛИШ

Қутилганидек, энди ҳаракат майдонида Шохруҳ Мирзо пайдо бўлади. У Соҳибқироннинг энг суюкли зурриёди бўлиб, илҳом ва санъат ҳомийси, ҳар жиҳатдан баркамол инсон эди. Шохруҳ Хирот тахтини 50 йил маҳорат билан бошқариб, темирўларнинг энг олий тимсолини намоиш этди.

4 -бет



HURRIYAT

1996-yil dekabrden chiqa boshlagan E-mail: hurriyat@uzpak.uz № 13 (371) 2004-yil 24-mart

«HURRIYAT» sizniki, Siz HURRIYATniki бўлинг!
Газетамизга 2004 йил учун обуна давом этмоқда.
Нашр кўрсаткичи — 233

Муносабат

МЕҲР-МУРУВВАТ — ИНСОН ГУЛТОЖИ

Меҳр-мурувват халқимизнинг қадимий қадриятларидан. Ҳар бир виждонли, дивнатли одам қалбида бу яшаган ва яшаб келмоқда. Меҳр-мурувват олий сифатда инсонлар қалбида узоқ уям кўриб, оқ-қилларга сазовор бўлган. Бунга узоқ тарихимиздан, ҷамиятимиздан мисоллар кўп. Навоий бобомиз даврини олсак ҳам, олис асрларга мурувват қилсак ҳам ёхуд Амир Темур ҳазрати олийлари замонига назар ташласак ҳам бунга дуч келамиз. Ҳа, ҳар бир ҷамиятда меҳр-мурувват, мурувват инсон боласининг беэағи бўлган. Уни билмаганлар жохил ҳисобланган.

Ҳазрати Алишер Навоий бу соҳада қомрон ва қомил шахслардан саналган. У ўз ҳисобидан мадрасалар, хонақоҳлар қургани, ариқлар ва йўللار чиқаргани, иждо аҳлини тарбиялаб, бошини силагани, уларга шу тариха меҳр-мурувват кўрсатиб, аҳлиликларга ундаганини биз ўтмиш манбалардан биламиз. Шунинг учун ҳам у буюқ шоир, фозил одам, улғу мутафаккир ва мурувват соҳиб сифатида авлодлар қалбиндан чуқур жой олган. Ва у олижаноб инсон бу ҳислат ва фазилатларни, теран туйғуларни ўз ичиданда юксак пардаларда тараннум этган. Қилган аҳлиликлари, кўрсатилган мурувватларидан гоҳида озор

чеккан. Бу ҳақда шоир куйиниб, "Меҳр кўп кўргудим, аммо меҳрбоне топмадим", дейди.
Ўзбекистон, қадимий Турон юрт ҳам ўтмиш қадриятларининг муштарак жойи, туташган соҳили, меҳр-мурувватлар ва яхшиликлар масқани. Бу қадриятлар ва баъарий эзгуликлар ҳақида ўйлар эканмиз, бунинг кунимиз, эзгу ишларимиз ҳақида гапирмаслик, ҳақиқати ҳас-пўшлаш бўлур эди. Қадриятларимиз бугун бошқача кўринишда бор бўйибаста билан намоён бўлмоқда. Меҳр-мурувват масаласи эскириб ёки бошқа ўзганга тушиб қолгани йўқ. Аксича, ҳисланиб, улар кундан-кун ноёб ҳислатлар билан бой-



Шодлик, ризқ-насиба улашиб давом этмоқда Наврўз!

иб бормоқда, бағрини жаҳонга кенг очмоқда. Ҷамиятимизда бир кун ҳам йўқли, меҳр-мурувват бўлмас эки унинг риштаси бўшаган бўлсал Эзгу ишларимиз жаҳоний аҳамият касб этди, яхшилик учун ҳизмат қилмоқда.
Мамлакатимиз раҳбари томонидан ҳар йил муштақиллик байрами ёки Конституциямиз тантаналари арафасида умумий авфнинг эълон этилиши, халқимизнинг ижтимоий ҳаётининг, турмуш тарзининг янада сайқал топшига оид фармонлар, фармойишлар, ҳукумат қарорларининг қабул қилиниши ва уларнинг ҳаётдаги ақси меҳр-мурувват ифодаси бўлмай, ниманинг ифодаси?! Йилларнинг Амир Темур, Соғлом авлод, Оналар ва болалар, Қарияларни қадрлаш, Обод маҳалла, Меҳр-мурувват йили деб аталиши — булар давр эзгуликларини ўзда ташувчи тадбирлар, амалий ишлар бўлиб, тарихий қадриятларимиздан озиқ олмақда ва ҳаётимизга чўқур сингиб бормоқда. Қонуларимизнинг либерализация, яъни ислоҳ қилиниши, иждоий фикрлар билан бойитилиши ва уларнинг халқимиз манфаатига бақамти келиши, енгилликлар берилиши — булар ҳаммаси демократик ўзгаришлар бўлиб, меҳр-мурувват тантанасидир. (Давоми 2-бетда)

Интервью

“ЖУРНАЛИСТЛАР ИЖОДИЙ УЮШМАСИ, БУ — ЗАРУРАТ”, дейди Ўзбекистон Журналистлар иждоий уюшмасини ташкил этиш бўйича ташаббускор гуруҳ раҳбари, “Тошкент ҳақиқати” ва “Ташкентская правда” газеталари Бош муҳаррири Фатҳиддин МУХИДДИНОВ

— Газетамизга, айниқса, бот-бот республика микросидаги журналистлар уюшмаси тузилаётгани ҳақида маълумот сўралган муносабатлар бўлиб турибди. Сиз билан бугунги мулоқотимизни асоси шу муносабатларнинг маҳсули, деб айтиш мумкин. Айтинг-чи, Журналистлар уюшмасини тузиш бора-бора ишлар ҳозир қай паллага кирди?
— Аввал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон Журналистлар иждоий уюшмасини ташкил этиш бўйича ташаббускор гуруҳнинг илк йиғилиши 2004 йилнинг 12 март куни бўлиб ўтган эди. Ана шундан кейин, аниқроғи, 15 ва 16 март кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тош-

кент шаҳрида журналистларнинг йиғилишлари ўтказилди. Шунинг билан керакли, жойлардаги йиғилишларда ҳамкасбларимиз иждоий уюшма тузиш ташаббусини тўла қўллаб-қувватладилар. Шунингдек, жойларда иждоий уюшманинг Низом лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди. Низом лойиҳаси юзасидан ташаббускор гуруҳга ҳамон тақлиф ва мулоҳазалар келиб турибди. Йиғилган барча тақлиф ва мулоҳазаларни жамлаб, улар асосида Низом лойиҳаси янада мукамаллаштирилади.
Жойларда бўлиб ўтган йиғилишлардан кейин, 22 март куни ташаббускор гуруҳнинг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ҳудудларга вақил қилиб юборилган ташаббускор ишчи гуруҳи

азозларининг ахборотлари тингланди.
— Айни пайтда Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг бўлажак таъсис конференциясига тайёрлар қилинмоқда. Ҳудудлардан вақиллар сайланган. Таъсис конференциясини тайёрларлик қараб, яқин кунлар ичидан ўтказиш ниятимиз бор.
— Журналистлар иждоий уюшмаси давр талаби ёки...
— Уни нафақат давр талаби, балки том маънодаги зарурий эҳтиёж сифатида қабул қилмоқ керак. Бунга, айниқса, жойларда ўтказилган йиғилишларда ҳамкасбларимизнинг қиқишлари, муносабатлари руй-рост икбора бўла олади. Гувоҳи бўлганимиздек, улар уюшма тузиш ташаббусини баҳонидил қабул қилишди ва бир овоздан қўллаб-қувватладилар. Иждоий уюшманинг келгусида миллий матбуотимизни демократиялаштириш, сўз салмогини ошириш, журналистларимизнинг иждоий ҳамкорлигини қучайтириш, уларнинг маънавий, моддий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда катта куч, таянч бўлажак ушбу иждоий уюшмасини ташкил этиш бўйича ташаббускор гуруҳ аъзолари ва уларни ана шундай уюшма тузишга ундаган кишилар билан беғана эмас, ёнимиздаги, яъни сиз ва биз каби журналистлар, ҳамкасбларимиздир.
Бундан ташқари, кейинги пайтда мамлакатимизда омивий ахборот воситалари фаолиятини янада эркинлаштиришга доир қўллаб-қучайтиришга доир қўллаб-қучайтириш, қарорлар ва меъриий ҳужжатларнинг қабул қилиниши, малакали журналист кадрларга бўлган эҳтиёжини ортиб бораётгани, бугунги давр талаби ва эҳтиёжини қўллаб-қувватлашда яна бошқа бир қатор омилилар журналистика соҳасида янгилик иш услублари ҳамда шаклларини жорий қилишни тақозо этмоқда.
Журналистларнинг ҷамиятда тутган ўрни ва маънавий кўтарини, мулкчилик шаклидан қатъий назар, турли газета, журналлар, теле ва радио каналларда, навирийлар ва ахборот агентликларининг ишларида, шунингдек, эркин фаолият кўрсатётган иждоикорларнинг ижтимоий-иқтисодий, иждоий йил ҳамда муаллифлик ҳуқуқларини, шаъни ва қадр-қимматини, давлат ва ҷамоат ташкилотлари, муассислар ва навирий олдиданги ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қумқулашадиган янги иждоий уюшма тузиш, очик айтиш лозимки, давр талаби ва ҳамкасб журналистларнинг хошироқасидир.

Бугун

ДАҲО ШОИРНИНГ ҚАЙТИШИ

Ҳали ҳам эсимда. Бундан 34 йил илгари талаба бўлиш ниятида Тошкентга келганимда, акам ўқийтган Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтининг (ҳозирда Педагогика университети)га тез-тез бориб турардим. Бу қўркам, ўзига хос услубда қурилган олий даргоҳ биз ёшларнинг кўзига янада жозибали қуринар, унда ўқийтган талабаларга ҳавас қилар эдик. Аммо мен ҳар гал ана шу институтга борганимда, ўзининг олдиди муъажжа майдончада остида кўр тушиб ўтирган кишининг ҳайқалини кўриб, ўзимга-ўзим савол бера эдим: нега бу институт Низомий номидаю, унинг олдидан бошқа кишининг ҳайқали кўйилган? Шу савол билан ўша йили институтнинг тарих факультетини ботириш арафасида турган акамга муносабат қилганимда, у киши: "Бу Туркистонга инқилоб олиб келган Михаил Фрунзе бўлади. Шунинг учун унинг ҳайқалини шу ерга қўйилган", деб жавоб бердилар.

Орадан йиллар ўтди. Насиб этиб, мен ҳам университетнинг талабаси бўлдим. Муштақиллик йилларидаги ўқув дарсликларидан Туркистон Чор Россиясининг қолок, феодалий бир ўлкаси сифатида таърифлар, унинг шонли инқилобга эришишига фалончилар ҳисса қўшган, деб биз ёшларнинг онгимизга сингдиришар экан.

Республикамиз муштақилликка эришиб, тарихнинг янги, ҳақиқий саҳифалари очилганидан кейин маълум бўлдики, йўқсиллар даҳосининг буйруғи билан Туркистон ўлкасига гўё инқилоб олиб келган Семён Будённий, Миша Фрунзе-лар тўрт босқинчи, қалласек экан.

Фрунзенинг 1920 йилнинг қазида Бухородаги кирдиқорларнинг бир эсанг. Унинг буйруғи билан дунёдаги шариф шаҳарлардан бирини талашиб қилишди. Шаҳар аҳолисини саримогоа солиб, бағадар қилишди. Унинг тонна-тонна олтинларию, бойлик, осори-атикаларини вагонларга жойлаб, Москвага жўнатишди. Бундан эса қизил қўшин билан босмачиликни йўқотиш баҳонасида Туркистон ўлкасидаги баъзи қишлоқларнинг аҳолисининг бешиқдаги қақдағича қиличдан ўтказди.

Муштақилликдан кейинги кун вақтлар шу эришганининг тазйиқига учраган ёки камситилган шоир, ёзувчиларга ҳолис баҳо берилади.

Дунё адабиётининг буюқ намояндларидан бири Низомий Ганжавий ҳақида ҳам кейинчалик тўлиқроқ маълумотга эга бўлдик. Озарбайжон халқининг фарзанди Низомий улур лирик шоир ва мутафаккир эди. У иждоий лирик шёърлар билан бошлаган ва бутун ҳаёти давомида шу тарздаги янги-янги асарлар яратган, катта лирик девон тузган. Низомий "Ҳамса"-чиликка асос солган шoirлардан биридир. Унинг "Ҳамса"-чиликка асос солган шoirлардан биридир. Унинг "Ҳамса"-чиликка асос солган шoirлардан биридир. Унинг "Ҳамса"-чиликка асос солган шoirлардан биридир. Унинг "Ҳамса"-чиликка асос солган шoirлардан биридир.

Кариб тўққиз асрдирки, шоир Низомий даҳоси яшаб келмоқда.
Уни нафақат туркийзабон, форсийзабон халқлар, балки бутун дунё халқлари севиб ўқимокда, мутлоға қилмоқда. Низомийнинг буюқ асарлари бутун дунё халқларининг ўлмас меросига айланган. Иншооллох, даҳо шоирни яна қанча аҳолиларди ўқийди, ўрганишди.
"Иккитоб чавандозлари" Семён Будённий, Миша Фрунзе-чи? Улар босқинчи, қўқурчилари сабабли алпақачон тарих саҳифасидан ўчиб бўлишди. Ҳаёт исботлар турибдики, Фрунзе деганимиз энг мутабар олий даргоҳнинг бош майдонига остида гўдаиб ўтиришга эмас, Низомийдек даҳонинг тирноғига ҳам аризмас экан.

Одатда халқлар, элларни бир-бирига яқиндан таништириш, қўнғилларни боғлайдиган, уларнинг ичидан чиққан иқтидорли шоир, адиблари ва уларнинг ўлмас асарлари бўлади. Озарбайжон халқи учун Алишер Навоий қанчалик ҳурматли бўлса, узеб халқи учун Низомий Ганжавий ҳам шунчалик эъзозлидир. Ўлкамизга баҳор келинганда сепини ёйиб, ҳаммаёқ гўзал либосларга ўралган бир пайтда даҳо шоир ангитдан Тошкентга қайтиди. Унинг номидаги университет майдонида Низомий Ганжавийнинг қиройли ҳайқали очилиди. Икки буюқ халқ — ўзеб ва озарбайжон халқининг қалби ва қўнғилини боғлаб турган шоирнинг хотира-си ёд этилиб, унинг гўзал, дилбар шёърларидан намуналар ўқилди. Поёққадағим анвойи гуллар қўйилди. Дунё халқимиз чиндан-да, тоғиб айтган: "Ҳақиқат бүклиди, аммо синмайди".

Юсуф ҲАМДАМОВ, филология фанлари номзои, доцент

Хабар



«АХБОРОТНОМА»ДА АНЖУМАН МАТЕРИАЛЛАРИ Тадбирлар эса давом этмоқда...

«АХБОРОТНОМА»ДА АНЖУМАН МАТЕРИАЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди "Ахборотнома"нинг тўққизинчи сон босмадан чиқди. Олинди. Мазкур "Ахборотнома"да Президентимизнинг Бош Қонунимиз 11 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи, Конституциявий суди судьяларига малака даражасини бериш тўғрисидаги фармони, шунингдек, мазкур суд фаолияти баён этилган қатор материаллар ўрин олган. Шу баробарида ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари, уларнинг аҳолига ётқизишда оммивий ахборот воситаларининг роли, айни жараёндаги муаммо ва унинг очма-ларига бағишланган туркум материаллар салмоқли ўрин эгаллагани, бу беҳиз эмас.

Маълумки, 2003 йилда Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳўжа-лик суди, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Оммивий ахборот воситаларининг демократиялашти-риш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамкорлиги-

да ҳуқуқий мавзуга итисослашган журналистлар учун суд-ҳуқуқ соҳа-сини ислоҳ қилишининг ўстивор йўна-лишлари ва муаммоларига бағишлан-ган қатор илмий-амалий конферен-циялар ўтказилди. Баҳо-мунозара-мулоҳазаларга тўла ўтган уш тад-бирлар ҳақида эса ўз вақтида омма-вий ахборот воситаларида хабарлар берилиб қатор чиқишлар қилинган қўнғилларга маълум. Таъкидлаш жо-изки, ўтказилган тадбирлар қисқа вақт ичида ўз самарасини бера бо-шладилар. Шунингдек, бу борадаги иш-лардан суд-ҳуқуқ идоралари вақил-ларнинг фаолияти алоҳида кўзга ташланмоқда, оммивий ахборот во-ситаларида ҳуқуқий мавзудаги чиқиш-лар қўнғиб, сифат даражасида ҳам сезиларли ўзгаришлар бор...

Бирок бу дегани — ҳаммаси жойи-да, масъул идоралар ўз вазифасини бажариб бўлди, деган маънони ан-латмайди. Айни жараён суд-ҳуқуқ идо-раси вақиллари ва ОАВ ҳодимларида кўп меҳнат ҳамда изланишлар талаб этадики, бу борада ҳали амалга оши-рилмаган ишлар, вазифалар мўл...

Шундан келиб чиқиб, ўтган ҳар-фта Конституциявий суди "Суд-ҳуқуқ соҳа-сини ислоҳ қилишда суд ҳоки-мияти ва оммивий ахборот восита-ларининг ўзаро ҳамкорлиги, бурч ва масъулияти" мавзусида навбатдаги ил-мий-амалий анжуман бўлиб ўтди...
Едингида бўлса, шу пайтгача ўтказ-илган илмий-амалий конференция-ларда асосан суд-ҳуқуқ соҳасидagi ислохотлар, унда ҳуқуқшунослар ва журналистларнинг ўрни, муаммо ва эҷимлар ҳусусида гап борган бўлса, ўтган ҳарфта бўлиб ўтган тадбирда айни жараёнда икки соҳа вақилла-рининг БУРҶИ, МАСЪУЛИЯТИ, МАЖ-БУРИЯТИ тўғрисида гапирилди. Ўзбекистон Республикаси Конститу-циявий суди раиси Б. Муштабоев

АЙТИШ ОСОН, ЛЕКИН... ("Захирада қоғоз арзон, лекин... қиммат олинмоқда, сабаби нимада?" "Hurriyat" 18 февраль, 2004 йил)

сир қилади, ёки йўқми? Агарда муаллифнинг фикрини инобатга оладиган бўлсак, мақолада "...бир нуска газетани нашр этиш учун кетайтган ўртача харажат... Хоразм вилоятида 80 сўм... бўлган ҳолда бу кўрсаткич Ан-дизон, Наманган, Фарғона, Са-марқанд вилоятларида 35-49

лар (айниқса, туман газеталарининг муҳаррирлари), матбаачилар бир килограмм қоғоз топиш учун ўнлаб одамларга учрашининг, бир неча мутасадди ташкилотлар раҳбарла-

ри қабулида бўлиши, юзлаб, минглаб километр йўл босишга тўғри келишини мақола муаллифи билармикан?
Биз кейинги вақтларгача қоғозни ҳам, офсет пластинкаларини ҳам, лавсан плёнкаларини ҳам Тош-кентдан олиб келганимиз. Ҳеч қим газетачиликда ҳар кун, ҳар соат-

да зарур бўлаётган маҳсулотларини сотуви миқдорини топишда бизга ёрдам бермапти. Турция, фев-раль ойининг охирида мен Ўзе-бистон Матбуот ва ахборот агент-лиги ёрдамида давлат захирасидан 10 тонна қоғозни арзон нархда, яъни ҳар бир тоннасини 573000 сўмдан олишга эришдим. Бундан ташқари, қоғозни юклш, тушириш ва йўл харажатлари учун 500 минг сўмдан ортққ маблағ сарфланди. Лекин аввалги олинган қоғозни ҳам, пластинна ва плёнкани ҳам қим-мат нархда бўлса ҳам марказдан олиб келишимизга тўғри келаяд-ди. Мақола муаллифи жилла курс-ана шуларни ҳам назардан соқит қилмаганида, яхши бўларди.

Рустам ИСКАНДАРОВ, "Хоразм ҳақиқати" ва "Хорезмская правда" газе-талари Бош муҳаррири

